

Қ А Р О Р

2024 йил сентябрь ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, қуйидаги таркибда:

раислик қилувчи судья Ф.Эргашев,

судья ёрдамчиси Ҳ.Норбоевнинг котиблигида, Б.Касимов таржимонлигида, МЖтКнинг 41-моддаси ва 52-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганликда айбланган,

Равшанова Озода Юсуповна 1980 йил 23 апрель куни Навоий вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 1Б-уй, 4-хонадонда яшовчига

3-1006-2403/10729-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Иш ҳужжатларига кўра, 2024 йил 23 сентябрь куни фуқаро Н.Гимазетдинова Чилонзор туман ИИО ФМБга ариза билан мурожаат қилиб, унда Чилонзор туманида жойлашган 188-мактабда ўқитувчи сифатида дарсга кирган О.Равшанова ўғли Э.Гимазетдиновни уриб тан жароҳати етказганини, эртаси куни Н.Гимазетдиновнинг турмуш ўртоғи Р.Хабибраҳманов вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида О.Равшановага қўнғироқ қилганда, “хароми татарлар”, “хароми боланг билан татаристонингга йўқол” деб ҳақорат қилганини маълум қилиб, қонуний чора кўришни сўрагани аниқланди.

Суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 25 сентябрь кунидаги №6833-Х-Кур-сонли хулосасига кўра, Э.Гимазетдиновга оғирлик даражасига кўра енгил тан жароҳати етказилганлиги аниқланган.

Суд мажлисида сўралган ҳуқуқбузар О.Равшанова, айбига қисман иқрорлигини, яқинда ишга кириш мақсадида Чилонзор туманида жойлашган 188-мактабга ишга жойлашиш мақсадида келганини, ўша куни узининг мутахассислиги бўлмаса-да, рус тили адабиёти дарсига ушбу фан ўқитувчилари тадбирда бўлганлиги сабабли кирганлигини, ўқувчиларга ўзбек тилида дарс ўтишини айтганини, ҳаммаси рози бўлишганини аммо Э.Гимазетдинов ва яна бир ўқувчи рус тилида дарс ўтишни хоҳлашларини айтганини, уларга алоҳида рус тилида дарс ўтишини айтганини, дарс давомида Э.Гимазетдинов унга қарши гапириб тартибни бузганини, уни тартибга чақириб қўйиш учун қулоғидан чўзганини, эртаси куни унинг ота-онаси қўнғироқ қилиб унга босим ўтказганини, кейин жаҳл устида уларни ҳақорат қилганлигини маълум қилди.



Суд мажлисида сўралган аризачи Н.Гимазетдинова, ўша куни ўғли тушкун кайфиятда мактабдан келганини, мактабга боришни хоҳламаганини, бунинг сабаби мактабда ўқитувчи сифатида дарсга кирган О.Равшанова уни синфдошлари олдида қўлоғи ва кийимидан тортиб бошини синф доскасига урганлиги эканини билгандан кейин ўғли Э.Гимазетдиновни шифохонага олиб борганини, эртаси куни О.Равшановага қўнғироқ қилиб вазиятни билмоқчи бўлганда, О.Равшанова уни ҳақорат қилганини, шундан сўнг турмуш ўртоғи Р.Хабибрахмановга ўзи гаплашиб кўришини айтганини, у қўнғироқ қилганда ҳам ҳар-хил ҳақоратли сўзлар ишлатганини маълум қилди.

Суд мажлисида сўралган Р.Хабибрахманов, ўша куни аёлидан ўғлини ўқитувчиси урганлигини эшитганини, кейин ўзи қўнғироқ қилиб вазиятни билмоқчи бўлганини, О.Равшановага қўнғироқ қилиб нима учун ўғлини урганлигини сўраганда, шунда О.Равшанова уни “хароми татарлар”, “хароми боланг билан татаристонингга йўқол” деб ҳақорат қилганини, бу сўзларини телефонига ёзиб олганини ва судга тақдим этишини маълум қилди.

Суд, ҳуқуқбузар О.Равшанованинг айби ишдаги билдирги, тушунтириш хатлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомалари, синфхонасидан олинган кузатув камерасининг видеотасвири, Р.Хабибрахманов тақдим этган овозли ёзув ва бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топган ва унинг ҳаракатини МЖТКнинг 41-моддаси ва 52-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “*Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак*” лиги кўрсатиб ўтилган.

МЖТКнинг 22-моддасида, маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши назарда тутилган.

Суд, О.Равшановага жазо тайинлашда жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарор талабларига риоя қилган ҳолда, унга нисбатан айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосини тайинлашни ҳамда айбланаётган моддаларни



МЖтКнинг 34-моддаси асосида оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида жазо тайнлашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосланиб ҳамда МЖтКнинг 22, 34, 245, 309, 310, 311-моддаларига амал қилиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Равшанова Озода Юсуповна МЖтКнинг 41-моддаси ва 52-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга нисбатан;

МЖтКнинг 41-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) баравари, яъни 6.800.000 сўм жарима жазоси;

МЖтК 52-моддасининг 2-қисмига асосан, базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 (икки)баравари, яъни 680.000 сўм жарима жазоси;

МЖтКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) баравари, яъни 6.800.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Қарордан норози томон биринчи инстанция судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан апелляция шикояти (протести) қарор ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан ўн сутка ичида, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс ва жабрланувчи томонидан эса қарорнинг кўчирма нусхалари уларга топширилган ёки улар томонидан ушбу кўчирма нусхалар олинган кундан эътиборан худди шу муддатда туман судига берилиши мумкин.

Апелляция тартибида шикоят бериш муддати ўтгач, биринчи инстанция судининг қарори чиқарилган кундан эътиборан олти ой ичида қарордан норози томон ушбу суд орқали юқори турувчи судга кассация тартибида шикоят бериши (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

Ф.Эргашев

Қарорнинг нусхаси аслига тўғри:

